СССР Давлат клуб газетаси
Рос. ёзма ва оммавий алоқа Уз...
40897

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 12 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 53 (6949)

Da'vat

Улки буюриб ўзи қилмагай ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмагай.

А. НАВОИЙ.

Ibrat

Шуманай туманидаги 10-ўрта мактаб директори Бойтилеў Убайдуллаевнинг олти нафар фарзандидан беш нафари ота изидан бориб, ўқитувчилик касбини танлашган. Кенжа қизи Паризод ҳам педагог бўлишга шошилаяпти. Ҳозир у Нукус педагогика билим юртининг учинчи курсида таълим олаяпти.

Do'st achitib gapirar

ДИРЕКТОР — МАКТАБ ЮЗИ(МИ)?..

Шу кунларда таълим тизими катта ислоҳга юз тутмоқда. Кадрлар тайёрлашга илк заминни яратиб келган умумтаълим мазмунига энди уларни бевосита тайёрлаш унсурлари ҳам қисман сингдирилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини касб-ҳунарли қилиш ва шу орқали улар ҳаётини гўзаллаштириш ва Ватан қувватини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу ўзгаришларнинг нечоғли амалда акс этиши таълим-тарбия соҳаси барча бўғинлари ходимларининг масъулиятига боғлиқ. Айниқса, бу ўринда бевосита ижрочилар ҳисобланмиш — мактаб жамоалари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Нега десангиз, юқоридан тайёрланаётган дастурлар, режалар ва шунга ўхшаш кўпгина кўрсатмалар қанчалик пишиқ-пухта бўлмасин, агар қўйида тушунилмаса, у ҳеч бир қийматга эга бўлмайди. Олайлик, махсус чизма, ўлчам ва сифат кўрсаткичларига асосланиб уста бир мурват ясаяпти, агар у ўз ишининг ҳақиқий билимдони бўлмаса, бу мурватни стандартга мос қилиб ясай билмайди. Мактаб директорини ҳам худди шу дастгоҳ устида ишлаётган устага қиёслаш мумкин. Унинг кўзи олдида ўқувчилар шаклланади, билимга бойийди ҳамда юрти кунига ярайдиган инсонлар бўлиб етишади. Агар шунга етарли шароит, муҳит бўлмаса-чи?..

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига келиб тушаётган ариза-шикоятларнинг кўпчилик қисми айнан мактаб раҳбарлари фаолияти билан боғлиқлиги ачинарли ҳолдир.

Ўтган йил давомида шу мазмунда 48 та шикоят тушган бўлса, шу йилнинг 6 ойи мобайнида улар сони 31 тага етди. Уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида эса шикоятчилар томонидан таъкидланган ҳолатлар ўз тасдиғини топганлиги кузатилган. Бу ҳолатлар мактаб раҳбарларининг қўполлиги, раҳбарга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари, мактаб ички назоратида ва унинг молиявий фаолиятида жиддий хатоликларга йўл қўйилганлиги кабилардир. Жумладан, Тошкент шаҳар Сиргали туманидаги 284-мактаб педагогик жамоасининг мактаб директорининг қонунга хилоф ишлари ҳақидаги шикоят хати тузилган ишчи гуруҳ томонидан ўз жойида — мактабда жорий йилнинг 9—12 июнь кунлари давомида атрофлича ўрганилиб чиқилди. Шикоят хатида кўрсатилган далилларнинг аксарияти тасдиқланди. Яъни, 1996—1997 ўқув йилининг биринчи ярмида 100 соат жисмоний тарбия дарслари ўтилмай қолганлиги, ўқитувчиларнинг ўриндошлик тарзида ўтган дарсларига ҳақ тўламаслик, директорнинг ўз ходимларига нисбатан қўпол муомалада бўлиши, узбошимчалик билан ўқитувчилар педагогик нагрузкаларини исталганча ўзгартирилиши, шунингдек ноқонуний молиявий ўзгаришлар ва бошқалар. Текшириш якунларига кўра молиявий интизомни бузганлиги, директорлик мансабини суиистеъмол қилганлиги ва бошқа йўл қўйган қўпол хатолар ва камчиликлари учун Сиргали туман 284-мактаб директори М. К. Мкрдюмян ўз вазифасидан озод этилди.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 39-мактаб ўқитувчилари томонидан Президент Девонига ва Халқ таълими вазирлигига юборилган шикоят хатлари вилоят халқ таълими бошқармасининг назоратчиси ва туман халқ таълими бўлимининг мудири мутахассислари томонидан текширилди. Хатда келтирилган далиллар асосан тасдиқланди. Шу муносабат билан таълим-тарбия ишларини юритишда хато ва камчиликлар содир этганлиги ҳамда носоғлом вазият вужудга келишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлари учун туман халқ таълими бўлимининг қарорига асосан мактаб директори Х. Раҳимов ўз вазифасидан озод этилган.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани 53-мактаб ўқитувчилари жамоасининг мактаб директори Ш. Раҳматов йўл қўйган молиявий хатоликлари ва педагогик ходимларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги аризаси вилоят халқ таълими бошқармасида атрофлича ўрганилиб чиқилди. Шикоятда кўрсатилган хато ва камчиликлар асосан тасдиқланди. Штатлардан ноқонуний фойдаланганлиги, педагогик жамоа аъзолари билан ёмон муносабатда бўлганлиги ва уларнинг таътил ойлик маошларидан ушлаб қолганлиги каби қатор молиявий камчиликларга йўл қўйганлиги учун вазифасидан озод этилди.

Шунингдек, Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 70-махсус мактаб-интернат педагогик жамоасининг вакиллари ҳам 1997 йил 17 июнда Халқ таълими вазири қабулида бўлиб, мактаб-интернат директори Р. Носировнинг педагогик жиҳатдан нотўғри ҳаракатлари, ўқитувчилар, тарбиячилар ва мактаб-интернатнинг бошқа хизматчи ходимлари билан қўпол муомалада бўлишлиги ҳақида шикоят қилишди. Мазкур шикоят хатида келтирилган далиллар вазирлик ва Сирдарё вилояти Халқ таълими бошқармаси ходимлари томонидан ўрганилганда Ғ. Носировнинг ҳақиқатдан ҳам ходимлар билан қўпол муомаладалиги, ходимларга ойлик маошларни ўз вақтида бериш бўйича тегишли чоралар кўрмагани, қарилик ва касаллик нафақасига чиқмоқчи бўлган 16 нафар ходимларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватламаётганлиги маълум бўлди. Аниқланган камчилик ва хатоларга кўра Ғ. Носиров Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасининг ҳайъат қарори билан вазифасидан озод қилинди.

Муаммонинг илдизига назар солсак, мактабларга раҳбарларни танлашга нохолис ёндашиш, уларни танлашнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилмаганлиги, натижада зарурий мезонлар ўрнини шахсий эҳтиёжий «манфаатдорлик» эгаллаб олганлигини кўрамиз. Ушбу шикоятларнинг вазирлик ёки бўлмаса республика газеталари таҳририятлари эшигигача келиши эса иккинчи бир хулосани келтириб чиқаради. Яъни жойларда, аниқроғи, вилоят халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида шикоят ва аризалар билан етарлича шуғулланмаётганлигини, исботлайди.

Мамлакатимизда бўлаётган оламшумул ўзгаришларда, мустақилликни мустаҳкамлашда инсон омилининг аҳамиятини янада ошириш, унинг фаровон турмуш тарзини таъминлаш мақсадида 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Кўпчилик таълим-тарбия муассасаларида ишбилармон, тадбиркор раҳбарлар ўз жамоаси аъзоларини ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашнинг янги-янги йўлларини топмоқдалар. Шундайин бир кенг имкониятлар мавжуд бир паллада, эзгу иш этагини тутган ўқитувчиларга лоақал кўнгилдагидек ишлашга шароит яратишнинг уддасидан чиқа олмаётган «директор»ларга таълим-тарбия масканида ўрин бўлмаслиги лозим.

Мазкур муаммонинг долзарблиги ҳамда зудлик билан ҳал этилиши лозимлиги ҳисобга олиниб, Халқ таълими вазирлиги **«Мактаб директори фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар фаолиятидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар»ни** ишлаб чиқди. Унда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур лойиҳасини мактаб жамоаси орасида муҳокама қилиш, мактаб иш фаолиятини ташкил этиш бўйича 1 йиллик иш режаси тизимини ва самарадорлигини ўрганиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, янги ўқув йилидан бошлаб ҳар ҳафтада (сешанба) «Маънавият ва маърифат куни»ни ўтказиш каби тадбирлар белгиланган. Мактаб раҳбарлари ҳамда ўқитувчилар жамоасини замонавий билимлар (тадбиркорлик, ишбилармонлик, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва компьютер таълими) билан таништириш, директорлар фаолиятини мунтазам назорат этиб бориш, уларнинг молия ва режалаштириш бўйича малакаларини ошириш мақсадида ҳудудий амалий семинарлар ташкил этишдек тадбирлар эса юқорида таъкидланган камчилик ва хатоликларнинг олдини олишга хизмат қилади, албатта.

Шунингдек, кадрлар, аниқроғи, раҳбар кадрлар танлаш ва тайинлаш жараёнида суҳбатдан ташқари белгиланган тартибда тест-синов усулларидан унумли фойдаланиш, бу борадаги ибратли тажрибаларни вилоят, республика миқёсида оммалаштириш мактабга раҳбар кадрлар танлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Халқ таълими вазирлигининг тадбирларида ўқитувчиларни, ўқувчиларни рағбатлантириш борасида мактаб директорининг бажариши лозим бўлган бир қатор вазифалар ҳам қайд этилган. Бу берилаётган расмий кўрсатмалар, самараси яна таъкидлаб айтамизки, жойларда уларга қанчалик амал қилинишига боғлиқ.

Абдусамат РАҲИМОВ.





Абитуриент — 97

ҚАЙНОҚ КУНЛАР НАФАСИ

Репортаж

Чошгоҳ маҳали. Биз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кенг-мўлчина ҳовлисидамиз. Қабул ҳайъатини қийналмай топдик. Чунки йўл бўйларига ўтган-қайтганнинг диққатини ўзига жалб қиладиган чизмалар мушкулимизни енгиллаштириб, «эргаштириб» кетди. Мана, қабул ҳайъати. Бу ер анчагина гавжум. Асосан ёшлар. Назаримда, ёш-яланглларнинг ҳароратли нафасидан иссиқ ёз ҳавоси бу ерда бир неча даража кўтарилгандек. Ҳароратли нафаслар... Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ёрқин умидлару ширин ташвишларга лиммо-лим нозик қалблар ўзидан қайноқ нафас уфуради.

Қабул ҳайъатида иш қизғин. Институтнинг масъул ходимлари абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилишмоқда, керакли йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳатлар беришмоқда. Лекин ҳамма ёқда тартиб-интизом, сокинлик ҳукмрон. Ёшларнинг одатдаги шовқин-сурони, шухликларига ўрин йўқ. Буш вақт топганлари қабул жараёнидаги зарур тартиб-қоидалар, йўл-йўриқлар бўйича кўргазмалар осиб қўйилган доскалар атрофида қуймаланишади.

Биз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг бу йилги қабул бўйича масъул котиби доцент Р. Исматуллаевни қийналмай топдик.

— ***Раҳматулла ака, бу йилги абитуриентларни қабул қилиш жараёнидаги ўзига хос томонлари сизнингча нималарда кўринади.***

— *Аввало, абитуриентларнинг кўплигида. Мана, куриб турибсизки, ёшларимиз навбатда туриб ҳужжат топширишмоқда. Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳужжатларни қабул қилаётганларнинг деярли барчаси доцентлар, катта ўқитувчилар, илгари бундай масъулиятли ишни лаборантларга, аспирантларга, ҳатто юқори курс талабаларига юклаш одат тусига кирганди. Энди... ҳаммаси тўблан ўзгармоқда, бу ҳам бўлса, таълим соҳасидаги ёрқин ислоҳотларнинг натижасидир. Дарвоқе, абитуриентлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.*

Биз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтидан ёруғ кўнгил билан қайтдик.

Х. АБДУРАҲМОНОВ, «Маърифат» мухбири.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

ОРОМГОҲЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАТИЛМОҚДА

Мана икки йилдирки, халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда Американинг Тинчлик Корпуси болалар оромгоҳларида инглиз тилини чуқур ўргатиш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда чиқарган фармойишига мувофиқ ёзги таътил вақтида ўғил-қизларнинг инглиз тилини чуқур ўрганишлари учун бир қанча оромгоҳлар ташкил этилди.

Яқинда ана шундай оромгоҳлардан бири Шаҳрисабз шаҳрида иш бошлади. Ушбу оромгоҳнинг очилишида вазирликнинг ўрта умумтаълим бош бошқармаси бошлиғи Г. Алимова, вилоят касаба уюшмалари федерациясининг муовини М. Мировалар иштирок этишди.

Ҳозирда бу ерда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ўқувчилар алоҳида меҳр оғушида тарбияланмоқдалар. Эътиборлиси шундаки, бу савобли ишга Тинчлик Корпуси 40 нафар кўнгиллиларни жалб этишган. Иқтидорли тарбиячилар ўғил-қизларга инглиз тилининг барча сир-асрорларини қунт билан ўргатишмоқда.

Инобат ҚЎЧҚОРОВА, Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бошқармаси мутахассиси.

ТАЛАБАЛИККА ТАЛАБГОРЛАР: СИЗ УЧУН МУҲИМ АХБОРОТЛАР

• МИЛЛИЙ КАДРЛАРГА ЭҲТИЁЖ
• ТЕСТ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗАЙЛИК
• ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИ — АСОСИЙ ҲУЖЖАТ (УНДА ЯНГИЛИКЛАР БОР)
•КОДИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?
2, 3, 4-бетлар.

JUMLADA JAHON

❀ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Айланма маблағларининг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони чиқди.

❀ «Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.

❀ Бангладеш Халқ Республикаси Ташқи ишлар Давлат вазири Абдуҳасан Кейзер бошчилигидаги ушбу мамлакат делегацияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига ташриф буюришди.

❀ Венада бўлиб ўтаётган «Аёлларнинг демократик шароитдаги ўрни» мавзусидаги конференцияда Ғарб ва Шарқ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари ҳамда янги демократик давлатларда аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилаётир.

❀ Оқ уй маъмуриятининг хабар беришича, АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ҳамда Озарбайжон президенти Ҳайдар Алиев билан бўлган учрашуви кунлари ҳамда музокаралар мавзуси аниқлаштирилган.

❀ Мадридда бўлиб ўтаётган НАТОга аъзо мамлакатлар ҳукумат ва давлат бошлиқларининг йиғилишида Венгрия, Польша ва Чехия Республикасига НАТОга қабул қилиш тўғрисидаги таклифнома жўнатилди.

МММ — ХАБАРЛАРИ

МУАЛЛИМ КИТОБ ЁЗДИ

Қарши Давлат университети ўқитувчиси Ёдгор Худойбердиевнинг «Алпомиш авлодлари» номли китобида машҳур полвонлар ҳақида мароқли ҳикоя қилинган. Полвонларнинг машқ сирлари, бетакрор беллашувлари сизни бирдан ўзига тортиб олади. Китобда таниқли спортчилар — Нормамат Йўлдошев, Тилов полвон Худойбердиев, Баҳром полвон, Алишер Мухторов фаолиятларининг қизиқарли қирралари ўзига хос ёритилган. Ижодкорлик муаллимнинг маҳорат кучини кўрсатади. Биз жонкуяр устоздан янги асарлар кутиб қоламиз.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ.

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

Шуманай тумани «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги раиси Қодирберган Худоёровнинг ташаббуси билан 10-ўрта мактабга 8 гектар экин майдони ажратиб берилди. 6 гектарига пахта, 2 гектарига қовун, мош, жўхори экилган ерлардан олинган фойда мактаб ҳисобига ўтказилади. Бугунги кунда жойлардаги раҳбарият ва мактабларнинг ҳамкорлиги, ташаббускорлик жуда муҳим. Шу маънода Қодирберган Худоёров бошчилигидаги ишлар қишлоқ аҳли, ота-оналар ва зиёкорлар томонидан алоҳида ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Ғойиб ЁҚУБОВ.

ЯНГИ ИМЛОНИ ЎРГАТИШ

Навоий вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг моҳир услубчиси Бобораҳим Омонов Беруний шаҳрига ташриф буюриб, 3-синф ўқитувчилари иштирокида бир кунлик семинар ўтказди. Семинар лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек имлосида ўқувчиларга таълим бериш муаммоларига бағишланди. Семинарда Беруний шаҳар халқ таълими бўлими мудири Э. Ҳасанов, олий тоифали ўқитувчи А. Нақшиева ва бошқалар сўзга чиқиб, тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу семинар самарали бўлди.

Мухбиримиз.

ТАЛАБАЛИККА ТАЛАБГОРЛАР:

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор.

Ислом КАРИМОВ.

МИЛЛИЙ КАДРЛАРГА ЭҲТИЁЖ

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республика халқ таълими вазири

Ҳар йили мана шундай пайтда анчагина ёшларимиз, уларнинг ота-оналари ва албатта меҳрибон муаллимларининг қалби ҳаяжонга тўлади. Муаллим ўзи тарбиялаган ўқувчиларининг ўқишга кириши орқали ўз ишига баҳо берса, ота-она ювиб-тараб ўстирган болажонининг янгича, мустақил ҳаётга қадами омадли бўлишини хоҳлайди. Энг оғир синов эса ўқувчи — фарзанд — абитуриентнинг зиммасида. «Устозларимнинг, ота-онамнинг ишончини оқлай олармиканман», деган ўй уни ҳаяжонга солади, янада ўз устида ишлашга, ўқишга чорлайди.

Бугунги абитуриентлар орасида истеъдодли, ўқитувчиликка мойил, болажон ва бунёдкор ёшларимиз эртанги таълимимиз тақдирини ҳал этади.

Бу йилги олий ўқув юртларига киришга тайёргарликни алоҳида таъкидлашни хоҳлардим. Негаки йилдан йилга тест — адолат усулининг жорийланиши одамлар онгига кириб боряпти. Яқинда педагогика институтида ота-оналар билан учрашдим. Учрашувдаги суҳбатлар шуни кўрсатдики, тестнинг адолатли эканлиги юртимизнинг сўлим чекка қишлоқларидаги ота-оналарга ҳам аён бўлибди. Ўтган йили фарзандлари ўқишга кирган отахонлар буни фахр билан тилга олишди. Халқда тестга нисбатан ишонч мустаҳкамланяпти. Бу усул ўқувчидан ўқишни, уқишни, фикрлашни талаб қилаётганини ҳам барча тушуниб етди. Шу боис мактабларимизда битирувчиларимизнинг тестга тайёргарлиги ўтган йили сентябрь ойидан бошланган эди, десам муболаға бўлмайди. Бунда мактабдаги одатий дарсларимиздан ташқари кўплаб «Репетиторлик курслари» ҳам ташкил қилиндики, уларда маълум йўналишдаги фанлар бўйича тинимсиз машғулотлар олиб борилди. «Ахборотнома»да чоп этилган саволлар бўйича банклар тузилиб, вақти-вақти билан битирувчилар компьютерларда синовдан ўтказилиб турилди.

Давлат Тест марказининг яқинда жойларда ўтказган синовлари натижасига қараганда ўқувчиларимиз тест технологиясини яхши ўзлаштирган, яъни жавоб варақаларини тўлдиришда деярли хато қилишмаган. Бу тестнинг яна бир ўзига хослиги шунда бўлдики, унда ёшларнинг педагогликка мойиллиги ҳам аниқланиб, юқори балл олганларга педагогика институтларига кириб ўқиш учун таклифномалар ҳам юборилди. Ўтказилган тушунтиришлар, машғулотлар натижасида ўтган йиллар хатолари бартараф қилинди. Энди асосий диққат-эътибор фанларнинг ҳар бир бўлимини, аниқроғи, давлат дастурини мукаммал ўрганишга қаратилган. Бунда, албатта, Давлат Тест марказининг ўтган йили имтиҳон топширган абитуриентлар жавоблари орқали чуқур таҳлилли дидактик материал бергани бизга фанлар ёки уларнинг бўлимларини ўргатишда йўл қўйилаётган камчилик, эътиборсизликларнинг олдини олишга имкон яратди. Бу йил улар асосида тадбирлар ишлаб чиқилди ва албатта мазкур йилги таҳлиллар ҳам уларни янада бойитади деган умидимиз бор.

Иқтидорли йигит-қизларимизни қувонтирадиган яна бир янгилик бор. Республика олимпиадаларида ғолиб чиққан иқтидорли ёшларимиз олий ўқув юртларини хоҳишларига қараб танлайдиган бўлдилар. Дейлик, илгари кимё фани бўйича республика ғолиби бўлган битирувчилар фақат кимё мутахассислиги бўйича ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинарди. Энди эса асосий фани кимё ҳисобланган қатор олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириб ўқишлари мумкин. Бу давлатимизнинг иқтидорли ёшларга бўлган яна бир эътибори ҳисобланади.

Хабарингизким, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997—98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида»ги қарори ёшларимизга кенг имконият яратди. Аввало, қабул миқдори оширилди. Бунда 21 минг давлат гранти миқдорида тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилиш кўзда тутилди. Фурсат келганда вилоят, туман ҳокимлари, вилоят ХТБ бошлиқларини, туман ХТБ бўлим мудирларини муаллимлар тайёрлаш учун бу имкониятдан тўлиқ фойдаланишга чақираман. Қишлоқ инфраструктурасининг ривожида барча соҳалар бўйича юқори малакали кадрларга эҳтиёж борлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо қишлоқ шароитида тестга яхши тайёргарлик кўролмаслик оқибатида ундан ўта олмаётганлар бор. Буни бартараф этишнинг биринчи йўли қишлоқ жойларида тест жараёнига тайёргарлик кўришнинг пухта тизимини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Яна бир имконият эса контракт асосидаги йўлдир. Муаллим етишмаётган маҳаллий мактабларда албатта шу ширкатлар, корхоналар раҳбарларининг фарзандлари ҳам таҳсил олади. Улар муаллимнинг жамият учун нақадар зарурлигини яхши тушунадилар, деб ўйлайман. Бу ишларни ташкил этишда оила, маҳалла ва халқ таълими ходимлари тарғибот ишларини олиб боришлари лозим. Чунки улар битирувчи болалар орасидан энг яхшиларини танлай биладилар. Бу имкониятдан фойдаланиб қолишга педагогика институтлари ректорати ҳам барча чораларни кўриши лозим.

Қабул комиссияларида ишни яхши ташкил қилишимиз керак. Бўлар бўлмас қоғозларни рўкач қилиб ишни орқага суриш, педагогика ихтисосига лаёқатли абитуриентларнинг бошқа ўқув юртлари билан шартнома тузиб кетишларига сабабчи бўлмаслик керак. Қолаверса институтлар, улардаги мутахассисликларнинг тарғиботи ҳам зукко ва билимдон талабаларнинг сараланишига олиб келади.

Бу йил мамлакатимиз таълими тизимида чуқур ислоҳотлар йили бўлмоқда. Таълим тўғрисида янги қонун, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг тузилаётганлиги фикримиз исботидир. Бу йилги ҳужжат топшираётган ёшларимиз жамиятимизнинг миллий кадрларга бўлган эҳтиёжини сезиб турибди. Келажакда улар мана шу эҳтиёжни қондириш йўлида ўз билим ва шижоатлари билан ҳисса қўшадилар, мамлакатимизнинг буюк келажаги учун курашадилар, деган умиддаман.

Азиз абитуриентлар! Олдингизда муҳим синовлар турибди. Тест — адолат мезони ҳисобланади. Кўнгилдан гумону хавотирларни ҳайдаб, диққат-эътиборни ўқишга қаратиб, тестлардан юқори баллар тўплаб, мактабингиз, муаллимларингиз шаънини кўтариб талабаликка эришишингизни тилаб қоламан.

Омад ёр бўлсин, азизлар!

ТЕСТ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗАЙЛИК

Муҳсин МУҲИДДИНОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази директори.

Ёшларни олий ва урта махсус билим юртларида таҳсил олишга тўғри танлаш мураккаб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жараёндир.

Ҳар йили кўп сонли Ўзбекистон ёшлари ўзларининг юксак умид ва ҳаётий режаларини руёбга чиқариш мақсадида олий ва урта махсус ўқув юртлари даргоҳига қадам қўядилар. Ёшларнинг жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга ишончи кириш имтиҳонларининг адолатли ўтказилишига, абитуриентларнинг билими холис ва одилона баҳоланишига боғлиқдир.

Кириш имтиҳонларини ташкил этишни ўз зиммасига олган Давлат Тест маркази бу ишга катта эътибор билан ёндашиб, қатор илмий-методик, ташкилий ишларни амалга оширди.

Ўтган йилги тест синовлари якунлари чуқур таҳлил этилиб, натижаларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари аниқланди. Абитуриентларнинг имтиҳонларга киритилган предметлар бўйича жавобларидаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатилди. Ҳар бир предмет бўйича бўш ўзлаштирилган мавзулар ҳақида асосли маълумотлар баён этилди. Абитуриентларнинг билими ҳар бир вилоятлар бўйича тавсифлаб берилди. Шу ҳақда чоп этилган «Тест якунларининг дидактик аспектлари» ва «1996 йилдаги тест якунлари» (Таҳлилий материал) халқ таълими ташкилотчилари, ўқитувчилар учун дастуриламал бўлишга лойиқдир.

Давлат тест маркази абитуриентларга кумаклашиш мақсадида урта мактабни тугатаётган ўқувчиларни тест топшириқлари билан амалий таништиришга киришди. 1996 ва 1997 йилда тест топшириқларининг махсус чоп этилиши бу соҳада ижобий натижалар берди. Чунки ҳар бир абитуриент тестнинг моҳиятини тушуниш, тест билан бевосита ишлаб, ўз билимдонлигини аниқлаб кўриш имкониятига эга бўлди. 1997 йилда тестлар «Ахборотнома» («Вестник»)да апрель ойларигача тўла эълон этилди. Кўпчилик ўқувчи ва ўқитувчиларнинг илтимоси билан тест саволлари бу йил ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида алоҳида чоп этилди.

Бу йил Тошкент шаҳри ва вилоятларда урта мактаб битирувчиларининг 20 мингдан ортиғи тестдан ўтказилди ва натижалар ҳар бир тестда қатнашган ўқувчига етказилди. Натижалар лицей ва гимназияларимизни битирувчиларнинг тайёргарлиги нисбатан яхши эканлигини кўрсатди. Иккинчидан, ёшларимиз тест технологиясини яхши ўзлаштиришди. Учинчидан эса, умуман, тест синовларини мактабга жорий этишга замин тайёрланди, десак хато бўлади. Булардан шундай хулоса чиқадики, яқин келажакда мактабларнинг ўзидаёқ болаларни саралаб, олий ва урта махсус ўқув юртларига қабул қилиш имконияти туғилади.

Ўқувчиларни тестга тайёрлашда жавоб варақасининг плакат нусхаси чоп этилишини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки тест асосидаги синов вақтида жавоб варақасини нотўғри тўлдириш ҳоллари кузатилган эди. Плакат билан танишган ҳар бир абитуриент жавоб варақаси, унинг блоклари, жавоблар кодларини тўғри тўлдириш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Тестга тайёргарлик ўтказиш жараёни ҳақида абитуриентга тўлиқ маълумот бериш мақсадида видеофильм тайёрланди. Бу абитуриентларга, имтиҳон комиссияси аъзоларига, айниқса, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларга катта фойда келтиради. Тест ўтказиш жараёнидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, имтиҳон қоидалари бузилишининг олдини олиш имкониятини ҳам беради. Видео фильм барча ўқув юртларига тарқатилди.

Кириш имтиҳонларининг муваффақиятли ўтишида тестларнинг сифати муҳимдир. «Ахборотнома»да чоп этилган тестларнинг барчаси ҳам банкларга киритилмайди. Апробациянинг натижалари махсус компьютер дастури билан унинг сифати, валидлиги, ишончлилиги текширилади ва апробациядан муваффақиятли ўтганларигина банкка вариантлар тузиш учун киритилади. Бу йил тест банкининг ҳажми аввалгига нисбатан 2 баробар ортди, бу эса вариантларнинг кўпайишига олиб келди.

Тест технологиясидаги янгиликлардан бири шуки, абитуриентлар гуруҳлари ва ҳатто ўтирадиган жойларини ҳам компьютер белгилайди. Худди шунингдек, аудитория раҳбарларини қайси хоналарга тақсимлаш ҳам компьютер зиммасига юкланган.

Яна бир янгилик. Компьютер хотирасига бу йилги ҳужжат топширган абитуриентларнинг ва айни пайтда ўқиётган барча талабаларнинг аттестат рақамлари киритилади. Бу ўқиётган талабаларнинг номаъқул ниятлар билан қайта ҳужжат топширишининг олдини олади. Бундай талабаларга эса тегишли чоралар кўрилади.

Бугунги кунда тест топшириқлари қайта кўрилиб, яратувчи компьютер хотирасига киритилди. Компьютер дастур асосида тестларнинг мураккаб даражаси бир хил бўлган вариантлари тузилмоқда.

Тестларга тайёрланишда абитуриентларга ёрдамлашиш мақсадида ДТМ Республика телерадиокомпанияси орқали кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил этди. Тажрибали ўқитувчи ва етакчи мутахассислар имтиҳонга киритилган барча фанлар бўйича тестларнинг моҳиятини, тестга тўғри жавоб бериш йўлларини баён этишмоқда. Кўрсатув ва эшиттиришларда ўтган йилги тестга жавоб беришда абитуриентлар қийналган саволлар атрофлича тушунтирилмоқда.

Абитуриентлар учун титул ва жавоб варақаларининг янги нусхаси тайёрланди. Янги варақалар такомиллашган бўлиб, талабалар тўлдириши учун қулай ва улар ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бунда давлат гранти ва пуллик контракт асосида кирувчилар учун алоҳида белгилаш доирачалари мавжуд.

Тест Республикамиз таълим тизимида билимларни аниқлашнинг ягона воситаси бўлиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг жорий имтиҳонларида ҳам қўлланилмоқда. Бу борада ДТМ ҳам махсус дастур яратиб, жорий ва битириш имтиҳонларини кўп вариантли тизимда олиб боришга асос яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 июлдаги 332-рақамли қарорига биноан 1997/98 ўқув йилида 21.000 та давлат грантлари белгиланиб, яна ҳар бир ихтисос бўйича белгиланган қабул миқдорининг 100 фоизи қадар доирада тўлов-контракт асосида қабул квотаси ўрнатилди.

Бу аввало, олий ўқув даргоҳларимизнинг бозор иқтисодиётига кириб бориши, қолаверса ўқув юртларига абитуриентларни сифатли танлаб олиш, замонавий билимларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш деганидир.

Бизнинг жамоамиз учун ҳам бу йилги тест синовлари ҳаяжонли синов ҳисобланади. Умуман, тест синовларининг ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказилиши барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ходимлари, таъбир жоиз бўлса, ота-оналарнинг ва, албатта, ҳурматли абитуриентларимизнинг билимига, виждоний поклигига боғлиқдир. Бу кўпчиликнинг бурчидир.

Тест синови билимлилар, илмлилар мусобақаси. Албатта, қунт билан ўқиган, илмга чанқоқ ёшларимиз бу синовдан муваффақиятли ўтишига имоним комил. Мен уларга омад тилайман.

ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИ — АСОСИЙ ҲУЖЖАТ

УНДА ЯНГИЛИКЛАР БОР

Жавоблар варақаси абитуриент баллари йиғиндисини аниқлайдиган ягона ҳужжатдир. Сиз тўлдирган жавоблар варақаси билимингизни баҳолашда асосий ҳужжат ҳисобланади. Уни тўлдиришда хатоликка йўл қўйманг!

Қуйида мисол тариқасида Андижон вилояти (коди 02), Хонобод шаҳри (035), 13-ўрта мактабни (013) 1997 йилда битириб, Тошкент Давлат Университетининг (314) журналистика (1020) ихтисослигига кириш учун тест топширган Алиева Наргиза Маҳмудовнанинг тўғри тўлдирган жавоблар варақасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.


DTM Davlat Test Markazi

JAVOBLAR VARAQASI

Диққат! Варақангизни бошқа абитуриентларга кўрсатманг!
Внимание! Не показывайте Ваш лист ответов другим абитуриентам!

Абитуриентлар диққатига!
1. Жавоблар варақаси варианти (5-блок) билан саволлар китоби варианти мослигини текширинг.
2. Жавоблар варақасини тўлдиришда фақат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручкадан фойдаланинг. Фломастер ва снёхли авторучкадан фойдаланиш ман этилади.
3. Жавоблар варақаси номерини 6-блокдан титул варақангиздаги ва рухсатномангиздаги мос катакларга кўчириб ёзинг.
4. Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни 1-блокка ёзинг.
5. 2-блокни диққат билан ўқиб имзоланг.
6. 3-блокда ўзингизга мос келувчи доираларни бўянг.
7. Тугатган мактабингиз жойлашган вилоят, туман, шаҳар, шаҳар тумани кодларини, мактаб номерини, ўқув юрти ва ихтисослик кодларини 4-блокнинг мос жойларига титул варақангиздан кўчиринг ва доирачаларни мос равишда бўянг.
8. I-IX блокларидан танланган ихтисослигингизга мос келувчи тест ўтказиладиган фанларни аниқланг. Чет тили ва иккинчи тил бўйича тест топшираётган абитуриентлар мос келган тилга тегишли доирачани бўяшлари шарт. Китобчадаги тест саволларига тўғри деб ҳисобланган жавобларингизни жавоблар варақасининг тегишли фан блокларидаги доираларига белгиланг.
9. Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгиланганда жавоб тўғри белгиланган ҳисобланади. Агар битта саволга икки ёки ундан кўп жавоб белгиланса, ушбу саволга ноль балл берилади.

Внимание абитуриентов!
1. Проверьте соответствие варианта Вашего листа ответов из 5-блока и варианта книги вопросов.
2. При заполнении листа ответов используйте шариковую ручку с синей пастой средней жирности. Применение фломастеров и чернильных ручек не допускается.
3. Номер листа ответов из 6-блока перепишите в соответствующие клетки Вашего титульного листа и пропуска.
4. В 1-блок запишите свои данные.
